

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш материалларини тайёрлаш ва келишиш тартибининг “YERELEKTRON-63” орқали амалга оширилиш босқичлари

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратиш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш ҳам туман (шаҳар) ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан “YERELEKTRON-63” орқали амалга оширилади.

1-босқич: Давлат корхонаси филиали буюртмачи билан шартнома тузилгандан кейин йигирма иш куни давомида электрон шаклда ер участкаси ажратиш ҳақида хужжатлар йиғма жилди ва унинг иловаларини тайёрлайди ҳамда “YERELEKTRON-63” орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

2-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги барча материаллар билан бирга хужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг, уни беш иш куни давомида ўрганади ва хулоса олиш учун туман (шаҳар) курилиш бўлимига юборади.

3-босқич: Шаҳарсозлик хужжати мавжуд бўлган тақдирда туман (шаҳар) курилиш бўлими уч иш куни давомида йиғма жилдни кўриб чиқади, ажратиладиган ер участкаси бўйича хулоса тайёрлайди ва тегишли равишда уни туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

Шаҳарсозлик хужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, туман (шаҳар) курилиш бўлими туман (шаҳар) ҳокимлигидан хужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг бир иш куни давомида уни кўриб чиқади ҳамда келишиш учун ўз хулосасини илова қилган ҳолда, ҳудудий архитектура шаҳарсозлик кенгаши (кейинги ўринларда - Кенгаш)га келишиш учун юборади.

4-босқич: Кенгаш беш иш кунидан кечиктирмасдан хужжатлар йиғма жилдини кўриб чиқади ҳамда материалларни электрон рақамли имзосини қўйиш йўли билан келишади ва туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этиш учун Кенгаш томонидан туман (шаҳар) курилиш бўлимига юборилади.

5-босқич: Туман (шаҳар) курилиш бўлими хулосаси ва Кенгаш томонидан келишилган материаллар бир иш куни мобайнида “YERELEKTRON-63” орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хужжат шаклида ёки нусхаси кўчирилган шаклда юборилади.

6-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги бир иш куни давомида ер участкаси ажратиш ҳақидаги хужжатлар йиғма жилдини ва хулосани илова қилган ҳолда ваколатли ташкилотларга хулосалар ва келишишлар бериши учун юборади.

7-босқич: Ваколатли ташкилотлар йиғма жилд келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида йиғма жилдни келишади ёки тегишли хулосалар беради ҳамда “YERELEKTRON-63” орқали ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда ёки хулосанинг кўчирилган нусхаси тарзида туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

8-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки кун муддатда ер участкаси ажратиш ҳақида қарор қабул қилади ва қарорга ер участкасининг чегаралари плани илова қилинади.

Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатига кирмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишуви ёки ижобий хулосаси олингандан сўнг ер участкаси ажратиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимнома юборади. Тақдимнома ва унга илова қилинган хужжатлар “YERELEKTRON-63” орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклда ёки уларнинг кўчирилган нусхалари юборилади.

9-босқич: Тақдимномада қайд этилган ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатига кирган тақдирда, тақдимнома ва унга илова қилинган хужжатлар келиб тушгандан сўнг уч иш кунда уларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади ҳамда бир

иш кунидан кечиктирмасдан “YERELEKTRON-63” орқали тегишли тақдимнома киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.


Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлиги тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан “YERELEKTRON-63” орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ер участкалари ажратиш масаласини кўриб чиқиш ҳақида хат ва иловаларни юборади.

10-босқич: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн иш куни мобайнида йиғма жилд ва материалларни кўриб чиқади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори лойиҳасини ер участкаси жойлашган жойи бўйича тегишли комплекс раҳбари томонидан виза қўйиш йўли билан келишади ҳамда уни кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлигига, шунингдек, тегишли тақдимномани киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

11-босқич: Туман (шаҳар) ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олингандан кейин бир иш куни давомида ҳужжатлар тўпламини ва ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишувлари ёки ижобий хулосалари бўйича материалларни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлигининг қарорини илова қилган ҳолда, давлат корхонаси филиалига юборади ва шу босқичда «YERELEKTRON-63»нинг фаолияти якунланади.

“YERELEKTRON-63” орқали ишлаш кўникмалари


“YERELEKTRON-63”нинг бош саҳифаси ва дизайни фойдаланувчилар учун қулай форматда яратилган. Тизимда давлат тилида иш фаолияти юритилади.



The screenshot displays the YERELEKTRON-63 web application interface. The top navigation bar includes the application name, a user profile, and a language selector. The left sidebar contains navigation options like 'Иш столи', 'Аризалар', 'Е-ЎРО АУКЦИОН', 'Хисоботлар', 'Ташкилотлар', 'Фойдаланувчилар', and 'Қўлама'. The main content area shows a table with the following columns: №, Ер участкаси, Ҳулуа, Ҳоли пункт, Тур, Умумий майдони, Ҳолати, and Ҳаракат. The table lists 18 land parcels with details such as location (e.g., Qibray tumani, Mirobod tumani), type (e.g., Яқин тартибда уй-жой қуриш учун), area (e.g., 0 м², 0.0400 м²), and status (Қоралама). Each row has a status icon (green or red) in the 'Ҳаракат' column.


№	Ер участкаси	Ҳулуа	Ҳоли пункт	Тур	Умумий майдони	Ҳолати	Ҳаракат
1		Qibray tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
2		Mirobod tumani		Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун	0 м²	Қоралама	🟢
3		Mirobod tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
4		Shayxontoxur tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
5		Sardoba tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
6		Zangiota tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
7		Ulug' nor tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
8		Shahrisabz tumani	Янабор	Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0.0400 м²	Қоралама	🟢
9		Rishton tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
10		Oqqo'rg'on tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
11		Yozyovon tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
12		Bog'ot tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
13		Oltariq tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
14		Yozyovon tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
15		Rishton tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
16		Rishton tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
17		Rishton tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢
18		Rishton tumani		Яқин тартибда уй-жой қуриш учун	0 м²	Қоралама	🟢

Тизим фойдаланувчилари томонидан туғиладиган барча техник саволлар юзасидан телеграм дастурида махсус *техник қўмак гуруҳи* ҳам яратилган.



Тизим бўйича вужудга келадиган саволлар борасида техник кўмак гуруҳида 24/7 режимида фойдаланувчиларга тушунтириш ишлари олиб борилади.

Тизимнинг функционал имкониятларини кенгайтириш мақсадида фойдаланувчилар учун тизим саҳифасида “Қўлланма” бўлими яратилган бўлиб, у ерда махсус босқичларни ўз ичига олган ўқув видео қўлланмалари жойлаштирилган.



Хулоса ўрнида шунини қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4427-сон Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг янги таҳрири, шунингдек, қонун

хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлари ҳозирда келишиш жараёнида эканлигини инобатга олиб, мавжуд ахборот тизими кейинчалик янада такомиллаштирилиши режалаштирилмоқда.